

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

«МЕХНАТ ТАЪЛИМИ» КАФЕДРАСИ

МУКИМОВА Ф.Х.

***ТИКУВЧИЛИК ЖИХОЗЛАРИ ВА УНИНГ
КАРОВИ
фанидан***

(МАЪРУЗАЛАР МАТНИ)

(5142000-мехнат таълими йуналиши талабалари учун)

Термиз-2008 й.

Ушбу маърузаларнинг мавзуномаси учун 5142000–мехнат таълими йуналишининг Давлат стандарти ва мазкур стандартга асосан тузилган, университети илмий кенгаши томонидан тасдиқланган муваккат дастур асос қилиб олинган бўлиб, олий укув юртларида таъсил олаётган мехнат таълими йуналиши талабалари учун мулжалланган. Шунингдек ушбу маъруза матнларидан касб-хунар коллежлари уқитувчилари фойдаланишлари мумкин.

Муаллиф: уқит. Муқимова Ф.

Такризчилар: п.ф.н. доцент. Дусяров Х. Ч.
уқит. Худойкулова С.

Мехнат таълими кафедрасининг 2008 йил 27 августдаги №1 сонли йиғилишда муҳокама қилинган ва факультет илмий кенгашига қуриб чиқиш учун тавсия қилинган.

Университет укув методик бошқармаси кенгашининг 2008 йил 29. 08 даги №1 сонли мажлисида қуриб чиқилган ва фойдаланиш учун тавсия қилинган.

Аннотация

1. Тиқувчилик жихозлари ва унинг қарови фанидан тузилган маъруза матни «Мехнат таълими» ихтисослиги (5142000) нинг укув дастури асосида тузилган
2. Текст лекции по «Оборудование и технический осмотр швейных машин» составлен на основе учебной программы для специальности «Трудового обучения» (5142000)
3. Text of the lecture The material construction of such nologu and studing the material is formed on the bases of the educational program for specialty labour training (5142000)

1.Маъруза

Мавзу: Кириш Хавфсизлик техникаси коидалари. Тикув машиналарининг ишлаб чиқарилиши ва уларнинг турлари.

Адабиётлар 1 (18-21)

Хавфсизлик техникаси меҳнат қилиш учун хавфсиз шароит яратиш чора тадбирлар тизимидан иборат. Тикувчилик корхоналарида ёки устахоналарида машиналарни пресслар, дазмоллар ва кул асбобларини ишлаётганда беҳосдан кулга игна кириб кетиши кулни нимадир кесиб олиши, машиналарнинг айланиб турадиган қисмларининг қийим ёки сочнинг ураб кетиши, дазмол ёки пресслар қуйиб қолиши тугма ёки игна парчалари учиб бориб тегиши ва ҳ.к натижасида ишловчи жароҳатланиб қолиши мумкин.

Тикувчиликда бу хавфсиз техникаси қоидалари асосан 3 гуруҳга бўлинади.

1. «Кул ва машина операцияларида ишловчилар қуйидагиларга риоя қилишлари керак».
2. Машиналар, асбоб ва мосламаларнинг ишга яроқлилигини текшириб турилади. Иш бошлашдан аввал ш урни сарамжонланиб олинади машинада бармоққа игна кириб кетишнинг олдини оладиган сақлагич, юритгич тасма тусиги, машинани ишга тушириш жойларида хавфсизлик изолятция гилофлари бор- йуқлиги текширилади ва х-к Электр симларига ип латта симчалар осмаслик лозим, акс ҳолда қиска туташтирув юз бериши мумкин.
3. Симлардан нуксонлар сезилса дарҳол электромантёрга устага бошликка хабар бериш очилиб қолган симларга кул текисмослик лозим.

Тугма қандаш машинасида ишлаганда сақлаш экранидан фойдаланиш зарур. Нарсаларни ишлаётган машина устидан узатиш мумкин эмас. Электр двигателни учирмасдан машинага мой суриш, уни тозалаш машина шкивига тасма қуйдириш манъ этилади. Иш уринда асбоблари сочилиб ётмаслиги қайчи ва иплар машинанинг айланаётган қисмлари ёнига қуйилмаслиги керак. Иш уринлари орасидаги йулни тусиб қуймаслик зарур. Дазмолловчилар қуйидагиларга риоя қилиши шарт. Оёқ остига резинка паёндос сирланган бўлиши керак. Электр дазмолда иш бажаришдан аввал шунур изолятцияси текшириб қурилиши лозим. Очик ёки сими очилиб қолган бўлса, даров электр мантёрга хабар бериш лозим. Дазмол рубилник штебсил разеткаси вилканинг то утувчи қисмларига кул текизиш мумкин эмас. Дазмолни ёқишда рубилникни факат ёғоч дастасидан ушлаш рубилник сақлаш гилофи билан ёпилганлигига аҳамият бериш керак уни очиш ярамайди. Дазмолнинг ишга яроқлиги созлиги аҳамият бериш

зарур. Консулда гилофда киска туташув булса ишлаётганда кулга озгина игна санчилгандек булади ишлаётганда шнур дазмолга тегиб турмаслиги шарт. Дазмолнинг ута кизиби кетишига йул куймаслик лозим. Дазмол рубилник штепсил разеткасси вилка бузук булса ишни тухтатиб электро манитюрни чакириш лозим.

Прессда ишлайдиганлар куйидагиларга риоя килишлари шарт (улар махсус укитилади)

Иш бошлашдан аввал иш урни тайёрлаб олинади, пресснинг ишга яроклиги (корпуснинг ерга уланганлиги тусик борлиги) электр чирокнинг ёниши текшириб курилади.

Бузук прессда дазмолларда ишлаш катъиян ман этилади. Прессда ишлаётган кулни пресс ёстиклари орасида қолишига йул куймаслик ишда эхтиёт чорасини саклаш.

-Ишлаётган прессни назоратсиз колдириб булмайди.

-Буюмларни намлаётганда сув электр аппаратлари ва терморостлагичга тушмаслиги шартлигини эътиборда саклаш.

-Иш тугагач прессни тухтатиб иш урнини йигиштириб куйиши шарт

Хар бир ишчитехник хавфсизлик қоидалари билан йилнинг хар чорагида бир маротаба танишиб журналга кул куйиши шарт.

Техник хавфсизлик корхоналар учун жавобгар шахс: Мастер, Цех бошлиги ва бош мухандислар.

Таянч иборалар

1) Операциялар-Тиқиш жараёнида бажарилувчи ишлар кетма-кетлиги.

2) Изоляция (ограждения, блокировка)—ишлаб турувчи дастгохларга олиб борилган, (иссик сус, электр энергияси) устига уралган материаллар изоляция дейилади.

3) Тусик (ограждения) электр энергияси пар ва бошка хаётга хавф соладиган нарсаларни ураб турувчи девор, панжаралар.

4) блокировка-хавфсизлик деворча панжаларига урнатилган тугмалар (кнопкалар) улар жойида турмаса, ишчи дастгох ишламайди.

5) Электр двигател-электр мотор 2 ва 3 фазали булиши мумкин. Тикув машиналарига айланма харакат берувчи мотор.

6) Рубильник 380 квал моторларни цехларда куп машинаси булгани учун рубильниклар куйилган булади.

7) Корпус-гилоф (дазмол, прессларнинг гилофи).

Саволлар:

Техника хавфсизлиги буйича:

1) Кул ва тикув машиналарида ишловчилар нималарга риоя килишлари керак?

2) Дазмолловчилар нималарга риоя килишлари керак?

3) Прессда ишлаётганлар нималарга риоя килишлари керак?

Адабиётлар:

1. М.Жаббарова «Тикувчилик технологияси» Тошкент «Укитувчи» 1989 йил (18-21)
2. В.В.Исаев «Оборудование швейных предприятий». Москва «Легкая индустрия»
3. В.В.Исаев В.Я.Фрнац «Тикув машиналарнинг тузилиши ва ремонт» Тошкент «Укитувчи»

2-Маъруза

Кириш: Тикув машиналарини ишлаб чиқариш ва уларнинг турлари

Режа:

Адабиётлар:

Тикув машиналарини кашф этишга дастлабки уринишлар XVII асрнинг иккинчи ярмида бошланган эди. 1755 йили Англияда кулда ҳосил қилинадиган кавиклардан нусха қучирадиган тикув машинаси учун Ч.Ф. Вейзенталга патент берилди. 1790 йилда Т.Сент этик тикадиган машина учун патент олди. Машина кулда ҳаракатлантирилар, тикишда ҳам игна тагига кулда қуйиб турилади.

1829 йили француз Б. Тимонье юкорида келтирилган машиналардан мукамалроқ бир ипли занжирсимон бахяли машина яратд. 1845 йили АКШда У Хоу МОКи бахяли тикув машинаси учун патент олди. Машина унча мукамал бўлмай унда тикиладиган материалларни вертикал тарзда қуйиш сурувчи рычаг шпилкасига санчиб қуйиш ва факат тугри йуналишда суриш керак эди. Унинг букик игнаси горизонтал текисликда ҳаракатланар, тукув станогини моқисига ухшаш моқиси эса илгарилатма қайтар ҳаракат қилар эди. Кейинги кашфиётчилар тикув машиналарини такомиллаштирдилар. А.Вильсоннинг (1850 йил) И. Гиббс ва М.Зингернинг (1851) дастлабки машиналарида игна вертикал ҳаракатланар тепки билан бостириб қуйилган материаллар эса горизонтал плотформада булар эди матонин суриш тишли гилдирак ёки тишли пластина билан сурилди.

Тикув машинасининг кашф этилиш тарихида асосан бу кашфиёт бир кишига тегишли эмас деган ҳулосага келиш мумкин.

Чор Россияда тикув машиналари ишлаб чиқарувчи корхоналар бўлмаган, бу машиналар Америка ва Германиядан келтирилар эди. Подольскда Американинг «Зингер» фирмаси йигув устахонаси ташкил этган бўлиб, унда четдан келтирилган деталлардан машиналарда йигилар эди. Утган аср

бошларида Россиядаги Подольск шахрида тикув машинаси ишлаб чиқарувчи завод бунёд этилган. Хозирги вақтда Россиянинг Подольск, Тула, Оттава, Ростов-Дон Украинанинг «Орша» шаҳарларида тикув ишлаб чиқарувчи катта-катта заводлар бор.

Тикув машиналар ишлаб чиқарилишига қараб:

Уй рузгорда ишлатиладиган ва тикувчилик фабрикаларида ишлатиладиган ёки (ишлаб чиқаришда) ишлатиладиган тикув машиналари турларидан иорат:

Уй рузгорда ишлатиладиган тикув машиналари:

Кул билан, оёқ билан кичик электр мотор билан ишлайдиган айланиш қуввати 300-500 об /м ли тикув машиналаридир масалан 1 кл 2 кл – «Чайка» «Подольск» «Тула» ва бошқалар.

Чет элдан келтириладиган уй-рузгорда ва ишлаб чиқариш корхоналарида ишлатиладиган тикув машиналаридир улардан Япониядан-Джуки «Бразер» «Таёта» Германияда «Дюкон» «Текстима» «Веритас» «Зингер» «ПФАФФЗингер» Италиядан «Римольде» «Нике» Чехославакиядан «Минерва» ва бошқа фирмалардан тикув машиналар худди Россияда ишлаб чиқариладиганга ухшаб уй-рузгор ва ишлаб чиқаришда ишлатиладиган машиналарнинг турлари ишлаб чиқарилади.

Тикув машиналари хозирги замон техник тарақиётида ҳамда замон талабига жавоб берадиган бўлиши керак.

Тикувчилик машина созилиги заводлари асосий вазифаларини хал қила бориб иш унумини паст тугри баҳия катори қамаҳсул чоклаш машиналарини марказлашган марказий мойланувчи. Игнани керакли ҳолатда тухтатиш ва ипни қирқиш қурилмаси бор тезкор машиналар билан алмаштирилмоқда.

Ёрдамчи-суриш операцияларини бажаришда қул меҳнатини бартараф этиш имконини берадиган юкори унумли воситалар (тикув машиналари автоматик тухтатадиган, ипларни автоматик қирқадиган ва бошқалар) ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Газлама четига қия бичилган магиз қуйиб тикиладиган мосламалар билан жихозланган махсус машиналар, чала фабрикатни сурадиган махсус механизмлари бор қуш игнали машиналар шим, белбогини тикадиган ва шунга ухшаш машиналар витачкалар тикадиган, маълум узунликдаги ва маълум шаклдаги чоклар ҳосил қиладиган ярим автоматик ватанимизда ва чет элда ишлаб чиқарилган ип узадиган қурилмали тикиш-йурмаш машиналари кенг ишлатилмоқда.

Бундан ташқари, республикаимиз тикувчилик саноати (ИМК) нинг аъзоси бўлган мамлакатлардан келтирилган жихозлар билан тулдирилмоқда.

Хозирги тикув машиналари электр қурилмалар, гидравлик ва пневматик қурилмалар билан таъминланган бўлиб, бу уларда ишлайдиган кишиларнинг назарий ва амалий тайёргарлик юксак бўлишини талаб қилади.

Тикувчилик саноати маҳсулотининг сифати корхона жамоасининг самарали ишлаши фан-техника тарақиёти ютуқларининг кенг жорий қилиниши ишлаб чиқариш билан фан орасидаги алоқа даражасига боглик.

Саволлар:

1. Тикув машиналарининг кашф этилиши хакида сузланг?
2. Тикувчилик ишлаб чиқариш жихозлари фанининг максоди ?
3. Россияда тикув машиналари ишлаб чиқарилишининг тарихини сузлаб Беринг.
4. Чет Эл ишлаб чиқарувчи корхона-фирмалар хакида нималар биласиз ?
5. Хозирги замонавий тикув машиналарининг турлари хакида айтиб Беринг ?

Таянч иборалар

- 1) УИМК-Узаро иктисодий муносабатлар кенгаши ёки УИЁК-узаро иктисодий ёрдам кенгаши.
- 2) Операция –бажарилувчи хар бир иш номи
- 3) Ярим фабрикат-(полуфабрикат) иш жараёни охирига етказилмаган тикилаётган кийимлар.
- 4) Гидравлик курилма-мой солиниб, босим билан ишлайдиган асбоблар.
- 5) Пневматик курилма-хаво босими билан ишловчи асбоблар.

Тикув машина игналарининг классификацияланиши

Хамма машиналарнинг игналари матони тешиб, устки ипни игна пластинаси тагига улаб олиб утишга ва устки ипдан халка хосил қилишга хизмат қилади. Машина игналарида игна тушгичга ёки игна юритгичга маҳкамлайдиган қолба, стержень ва материални тешиб утадиган учи бўлади. Халка хосил қилиш учун игнанинг стержени бўйлаб қиска арикча, қарама-қарши томонда эса устки ипни ишқаланишдан саклайдиган узун арикча утган. Игнанинг кузи унга устки ипни тақишга хизмат қилади.

ГОСТ 7322-55 да стержень кесимининг шаклига учининг қарқиланиш шаклига ва қолбасининг тузилишига қараб игналар махсус қарамлар билан белгиланади. Бунда қолбанинг диаметри узунлиги қузининг устки четидан қолбанинг охиригача бўлган узунлиги арикчаларнинг стерженда жойлашиши ҳисобга олинади.

Игналар тури утқир учи бўйича икки хил қонуқсимон ёки думалок ва лопатқасимон бўлади. Думалок учли игналар 29 хилда ишлаб чиқарилади ва уларга ток сон Билан ёзилади.

Махсус учли игналар жуфт сон Билан ёзилади, улар резинали, қартон, қарм бўюмлар тикишда ишлатилади.

Гурух-игналар улчамини аниқлайди:

Утқир учи , стержени, қолба узунлиги ҳисоблайдиган булақ бўлиб, у қирил алифбосининг қатта харфи Билан белгиланади, А,Б,В, ва ҳақозолар.

Раками – игнанинг сони стерженини диаметрига тенг, уни юзлик сонида улчанади. Тикувчилик саноатида № 60 дан 210 г7ача ракамли игна ишлатилади. Игнанинг номери уни колбасига штамповка килиб мухирланади: Масалан: 97 кл тикув машинаси ОЗЛМ учун ишлатиладиган игна N3 –BN90 мм Хар бир тикув машиналарининг кулланманмаларида курсатма берилади игнани тури гурухи ва номери курсатилади ундан ташқари технополис жараёнда қараб иш вазифасида ҳамда бажарувчи ишига ҳам танлаб олинади

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- 1)Колба-Машинани игна тутқич қисмига маҳкамландиган қисми колба дейилади
- 2)Стержень-Колба Билан ип утказадиган тешик оралиғи стержень дейилади.
- 3) Инструкция- Курсатмалар- бажарувчи ишлар хар бири учун курсатма.

Саволлар :

- 1) Игнанинг вазифаси ҳақида сузланг?
- 2) Игнанинг турлари қандай ?
- 3) Игнанинг гурухланишини айтиб Беринг
- 4) Игнанинг улчами раками ва иш вазифасини санаб утинг

2. Мавзу баёни

Тикув машина игналарининг классификацияланиши, тикув машинанинг иш органи ва МОҚи баҳиякатор ҳосил бўлиш принципи, машиналарнинг турларига бўлиниши.

Адабиётлар : В.В.ИСАЕВ, В.Я.ФРАНЦ

«Тикув машиналарининг тузилиши соғлаш ва таъмирлаш»

Тикув машинасинингиш органлари ва МОКи бахиякатор хосил булиш тамойиллари :

Икки ипли МОКи бахиякатор икки устки ва остки ипнинг тикилаётган газламалар орасида бир-бири Билан чалишишидан хосил булиши уч хил: огма (колебающего) тебранма (качающийся) ва айланма харакат килувчи мокилар оркали хосил булади. Купрок ишлатиладиган машиналарда МОКи айланма харакат килувчи булганлиги учун , биз уни ишлаш принципини ва бахиякатор хосилбулинишини куриб чикамиз:

Устки ип галтакдан (5) галтак ипни таранглигини мословчи курилма шайбалари орикали (3) ип тортгич механизми тешигидан (4) утказиб, игна тешигидан ипни утказиб тайёрланади. Игна (2) матони тешиб пастга харакат килади ва энг пастки кисмига яъни мокини кесилган найига тушиб юкорига харакат килган даврида 2: 3мм игна юкорига кутарилганда солки буйича (петля напуск) хосил булади. Шунда мокининг бурунчаси (носик челнока) игна ипидан хосил булган буйинча илиб олиб узини атрофида кенгайтириб айлантрииб куйиб юборади, шунда икки ипли мокли тукима чок хосил булади.

2. Игна механизми юкорига харакат килиб матодан чикииб (игна механизми юкорида ва пастга харакат килувчи механизмдир) бекорчи харакат килади.

3. Моки иш бажарувчи харакати (рабочий ход) игна юкори ипини олиб уз атрофида кенгайтириб айлантиради ва куйиб юборади, шунда иккки ипли мокли бахя хосил булади.

4. Ип тортгич механизми машинада шарнир стерженли ип тортгич механизми ишлатилади. Ип тортгич галтакдан устки ипни олиб МОКи атрофида айлантрииб булга чип тортгич ишга тушиб ипни тор-тади ва мокили чок хосил килади.

5. Игна матодан кайтиб чикиши Билан рейка харакатга келиб, матони чок узунлигига суриб беради.

6. Моки механизми бекорчи (холостой) харакат килиб, бир марта айланиб чикади чунки рейка ип тортгич ва игна ишчи харакатини тамомлигани учун мажбурий холда бир маротаба холостой айланиб чикади) . Моки механизми шундай хисобда курилган

Таянч иборалар

1. Чалишиш- (переплетения) бир ип иккинчиип Билан тукима хосил килиши.
2. Вахя – (стежок) игна утган икки кушни тешиклар орасидаги масофа.
3. Огма- (колебающийся) мокининг огма харакати.
4. Салки буйича – (петля напуск) буйича хосил булиши ва мокини бурунча илиб олиш.

5. Шарнирли стерженли – бириктириши бошка механизмлар Билан.

Саволлар:

1. Моки бахякаторининг хусусиятлари?
2. Моки бахякаторни хосил килишдаги ип сарфланиши хакида?
3. Моки бахятикаторнинг хусусиятлари ?
4. Тикув машинасининг айланма ҳаракат килувчи МОКи бахякатор хосил булиши
5. Игна механизмининг иш ҳаракати ?
6. Моки механизмининг иш ҳаракати ?
7. Ип тортгич механизмининг иш ҳаракати ?

Икки ипли мокли бахякаторнинг хосил булиши.

Моки бахякаторнинг хусусиятлари. Икки ипли МОКи бахякатор икки-устки «А» ва остки «Б» ипнинг тикилаётган газламалар орасида бир-бири Билан чалишишидан хосил булади. Устки «А» игна кузига такилганлиги учун игна ипи деб, остки ип «Б» эса МОКи курилмаси ичидагинайчадан чиккани учун МОКи ипи деб аталади.

Моки бахякатори кийин сукиладиган узунасига ҳам кунгдалангига ҳам увирилишига етарли даражада чидамли булади. Игна утган иккита кушни тешиклар орасидаги масофа бахя йириклигини курсатади Моки бахякатор кам чузиладиган булади. Масалан пахта иплардан хосил килинган бахякатор узунасига 10:15 фоизгина чузирилиши мумкин. Устки кийимнинг асосий чокларидаги кенглиги 10 мм газлама парчасини 2:3 фоизгина чузади.

Моки бахякатор хосил килишга сарфланадиган ипни аниклашда ишлатилиш коэффиценти хисобга олиниб, у урта хисобда 1,2 :1,7 га тенг булади.

Ишлатиш койффициентининг катталиги ипнинг таранглик даражасига тикиладиган матонинг калинлигига , бахянинг йириклигига ва бошка омилларга боглик.

Икки ипли МОКи бахякатор.

Моки бахя машиналарининг тузирилиши бахяси бошка хил машиналар тузирилиши Караганда мураккаброк булади. Моки курилмасида найча булса машинадан фойдаланиш койффициенти камаяди. Чокнинг узунлигига караб смена

давомида найча 60-30 маротабагача алмаштирилиши мумкин. Моки комплекти тузилиши жихатидан занжирсимон бахя машиналарининг чалиштиргичларига Караганда мураккброк булади.

Тикув машиналарини бажарувчи ишига караб, турларга булиниши

- 1: Хаар хил чоклар тикувчи уневерсал машиналар: 22 кл, 1022кл, 97 кл
2. Махсус чоклар тикувчи машиналар : (зиг-заг, кашта тикувчи, чатиш, йурма, бахя каторлзрни бахя каторлари бажарувчи машиналар, уларга 51 кл Джукий 26 кл, 335 кл ВМ-50 кл 85кл СМ -2 ва бошкалар)
3. Автомат ва ярим автомат холда ишловчи тикув машинзлар уларга тугма тикадиган, махкамлайдиган (закрепка) майда деталларга автоматик ишлов берадиган тикув машинзлар (52761-3 R кл ПМ-1, 25 кл , 27 кл, 220 кл, 95кл, 260 кл, ва бошкалар)

Хама тикув машиналар (стандарт, улчами 1,2х0, 65) стол оёклар устида жойлаштирилади иш урни (индивидуал) якка электр двигатель юритма Билан жихозланган булиб махсус уриндиги ростланадиган винтли стул, столга урнатилган махаллий ёритгич Билан жихозланди. Столнинг унг томонига найча ип ураш учун махсус курилма Бабина ёки галтак ип тутгич ростланган килинган булади.

Машинани юргизиш учун тугмаси хамда машинани оёк юритгич босилади. Машинани юргизиш учун икки оёкли педал устига куйиб, унг оёк бир оз олдинрок чап оёк эса оркарок куйилади, чунки унг оёк Билан тикув машинаси юргизилади, чап оёк Билан машина тухтатилади.

Саволлар:

- 1.Тикув машиналарнинг кандай турлари бор ?
2. Универсал тикув машиналарнинг турлари кайсилар ?
3. Махсус чок тикув машина турларини айтиб Беринг?
4. Автоматик ва ярим автоматк холда ишловчи машиналар ва уларнинг турлари ?
5. Тикув машинасининг улчами, унинг жихозлари ва уларнинг тамоиллари?

Таянч иборалар :

- 1) ДЖУКИ -Японияда чикадиган тикув машинаси.
- 2) ПМ-1-Тикувчи машинанинг биринчи варианты.

Мавзунинг баёни :

Тикув машиналарининг деталлари ва уларнинг тузилиши тасвирлари.

Тикув машинаси бош кисмидан ва столдан иборат булади Тикув машинанинг бош кисми куйма чугундан куйилган булиб, енг (рукава), стойка ва платформадан ташкил топгандир.

Бош кисми чап тарафига урнатилган моховой гилдирак электродвигателдан тасма оркали айланма ҳаракат олиб машинани ҳаракатга келтиради. Тикув машинасининг стойкасидан платформа оркали игнагача булган масофа вилет дейилиб, бу масофа платформада тикилаётган деталларни катта-кичик булиб жойлашиши учун мулжалланган.

Тикув машиналари бир деталнинг иккинчисига нисбатан сурилишини таъминлайдиган шарнирли винтлар кенг ишлатилади. Чунончи цилиндр шарнири бор шарнирли винт деталга тебранма ёки айланма ҳаракат килиш имконини беради конуссимон шарнири бор шарнирли винт эса детал Билан деталнинг бир-бирига нисбатан узаро суриши таъминлайди. Шарнирли винтлар туташувчи деталларнинг битти текисликда шарсимон шарнирлар эса фазода ҳаракатланиш имконини беради. Ҳаракатланувчи деталларни тутиб туриш учун шарнирли бармоқлар ишлатилади. Масалан тиргак винт Билан маҳкамланган шарнирли бармоқ бурилма ёки тебранма ҳаракат кила оладиган деталь кийдирилади.

Айланма ҳаракат узатадиган деталлар

Айланадиган ёки тебранадиган валларни уқларни тутиб туриш учун тикув машиналарида марказий бармоқлар ишлатилади. Валнинг торецларида конуссимон тешикчалар пармаланиб уларга тиргак винтлар Билан маҳкамланган марказий бармоқлар кириб туради. Сирпаниш подшипниклари втулкалар ва юмалаш подшипниклари, Шарли подшипниклар ва игнали подшипниклар кенг ишлатилмоқда. Бир-биридан узок масофада ётган параллел валларга айланма ҳаракат узатиш учун думалок тасмали, понасимон тасмали , тишли тасмали узатмалар ишлатилади.

Параллел валлар тишли барабанлар маҳкамланиб, уларга тишли тасма кийдирилади.

Тикув машиналарида буровчи моменти бир валдан иккинчисига узатиш учун хилма-хил тишли узатмалар: ташки илашмали ва ички илашмали, тугри тишли цилиндрик узатмалар кия тишли цилиндрик узатмалар, доиравий тишли конуссимон узатмалар червякли узатмалар ишлатилади.

Ҳаракатни бир турдан бошка турга узгартирадиган механизмлар

Кривошип-шатунли механизмлар айланма ҳаракатни илгарилама ҳаракатга ва илгарилама ҳаракатни айланма ҳаракатга айлантиришга хизмат килади. Бундай механизмлар валнинг учига маҳкамланган ва у Билан бирга

айланадиган кривошипдан иборат булади. Тикув машиналарида механизмлар звеноларининг ҳаракатланувчи массасини мувозанатлайдиган посангилари булган кривошиплар ишлатилади. Кривошипда бармок булиб, у кривошипнинг тешигига киритиб қуйилади: вал марказидан бармок марказигача булганмасофа крифошипнинг радиуси ҳисобланади.

Вир ҳаракат турига айлантириш учун шатун ҳам ишлатилиб, унда иккита каллак ва стержен булади. Шатун кривошипнинг бармогига қийдирилади. Кривошип айланганда унинг бармоги айлана булиб ҳаракатланади, поводок эса илгарилама ҳаракат қилади

Бунда агар ползуннинг сурилиши кривошип валининг укига перпендюкляр булса, поводокнинг юриш узунлиги кривошип радиусидан иккимарта катта булади.

Валларнинг тебранма ҳаракатлантириш ва улардан бошқа ҳаракат турларини узатиш учун тикув машиналарида коромислар ишлатилади.

Кромисло вал Билан бирга ясалиш ёки Валга винт Билан маҳкамланиши мумкин

Бошқа деталларга илгарилама ёки тебранма ҳаракат узатиш учун коромислонинг бармогига ползун қийдирилади. Эксцетрикдан, маркази валнинг марказига нисбатан бир оз сурилган цилиндрик деталдан коромислога бириктирилган шатундан иборат. Эксцетрикнинг эксцентриситети дйила ва «е» харфи Билан белгиланади.

Эксцетрик таъсирида шатун коромислого ва унинг валига тебранма ҳаракат узатади. Жадвалда тепкининг ва рейканинг кинематик тасвири курсатилган булиб улар тепки ва рейка тикув машинасининг ишчи органи ҳисобланади.

Тузилиш схемаларни чизиш.

Фазовий тузилиш схемаларни тугри бурчакли димектрик проекцияда чизган маъкул, чунки у механизм звеноларининг тузилиши ва биргаликдаги ҳаракати тугрисидан яққол тасаввур беради.

Механизм ёки машинанинг тузилиш схемасини чизиш олдидан уларнинг тузилиши ва ишлаши Билан танишиб чиқиш, яъни деталлар конфигурациясини, уларни бириктириш усуллари таянчлар урнини ва айрим нукталарнинг ҳаракатланиш характерини аниқлаб олиш керак.

Схема чизишни етакчи звенодан бошлаш керак. Масалан, кривошип-шатун механизмининг кнематик схемасини чизишдан олдин горизонталга нисбатан 7 градусли бурчак остида асосий вал чизилади унинг втулкаси шартли тасвирланади. Горизонталга нисбатан 41 градус ли бурчак остида кривошипга маҳкамланган бармок бош (асосий) вал укига паралел қилиб тасвирланади. Бармокда бош вал укига паралелқилиб шатуннинг юкори каллаги шатунни вертикал жойлаштириб чизилади

Шатуннинг поводок ва игна юриткич чизилади Унг томонда поводок бармокида ползун тасвирланади, унинг вертикал горизонтал деворлари еса кривошингиз параллел килиб, чизилади Втулклар ва поводокдаги игна юриткични махкам лайдиган винт шартли тасвирланади. Механизмнинг тузилиши схемаси унинг тузилиши хақидагина емас, балки ишлаш принципни хақида хам якол тасаввур беради.

Таянч-иборалар

- 1)Платформа-тикув машинасининг бош кисмининг пастки стол билан баробар турувчи текис пастки кисми.
- 2) Тасма-Ремен тикув машина билан электр двегатель бирлаштириб айланма характни узатувчи кисми у кайишда, ёки куйма резинадан иборат.
- 3) Эксцентрик- маркази валнинг марказига нисбатан бироз сурилган цилиндрик деталлар айланма харакатни тебранма харакатига айлантирувчи узатма.
- 4) тузилиш схема- механизмлари бир-бири билан бирлашган кинематик схемаси ёки кнематик куруниши.

САВОЛЛАРИ

- 1)Тикув машинасининг бош кисми нимадан иборат
- 2) Айланма харакат узатадиган деталларни махкамланишнинг тури.
- 3) Харакатни биринчи турдан иккинчи турга утиш ички органлар
- 4)кнематик схемалар?

Индивидуал Юритма

Тикув машиналари харакатга келтирувчи электро двигател- индивидуал юритма тикув машинаси бош вални ишга тушириш тухтатиш ва унинг айланиш частотасини узгартиришга хизмат килади. Электр двегател ва фрикцион муфтадан иборат. Ватанимиз саноати электр двегателнинг куввати 0,25 ; 0,27 ; 0,37; 0,4 2800 ; 2900 ай/мин-бир булган фрикцион электр юритмалар ишлаб чикаради. Фрикцион муфта ипини бошкарувчи оёк юритмасини иши бошкарилади. Фрикцион муфта попасимон тасма ёрдамида тикув машинасининг маховик гилдирагига уланади. Бош валнинг айланиш частотаси эса педалга муфта ичида фрикцион кистирманинг сирпаниш даражасини белгилайдиган босим кучини узгартириб ростланади.

Электр двигател ва корпус ичига урнатилган фрикцион муфтадан (фрикциондан) иборат индивидуал юритма тузилишини куриб чикамиз.Электр двегател махсус осма ёрдамида иш столи так томонидан махкамланган. Осма понасимон тасма таранглигини узгартириш учун электр двегателнинг паст баландлигини ростлаб туриш имконини беради.Унг томондан электр двегателни фланецега болтлар ёрдамида корпус махкамланган. Чуян дискдан иборат салт ярим муфта электр двегател валига каттик махкамланган этакланувчи валга шкиф ёрдамида иш ярим муфтаси махкамланади. Чап ва

унг томонларда иш ярим муфтасига ишкаланиш коэффиценти юкори булган фрикцион кистирма махкамланган. Этакланувчи корпуснинг ук буйича сурила оладиган сирпанма вутулка ичига преслаб киритилган шарли иккита подшибникда айланади. Этакланувчи валнинг унг ичига шкиф каттик махкамланиб унга ва тикув машинасининг моховик гилдирагига понасимон тасма кийдирилган. Хафсизлик техникаси талабларига риоя килиш учун шкиф стойкага махкамланган гилоф билан ёпилган,

Стойка шуруп ёрдамида таг томонидан иш столи ичига махкамланади. Муфтани ушлаш ричагининг вилкаси ичида махкамланган бармоқлар конусининг овал уйигидан утиб сирпанма бутулканинг тешигига кирган. Ричак уни соат мила йуналишида буришга ва шу билан муфтани ишга туширишга интиладиган пуржина таъсирида булади. Ричаг тартки ёрдамида машинанинг оёк педалига бириктирилган. Электр двигател ишга туширилганда салт ярим муфта айлана бошлайди . оёк юритма босилганда ричанк соат милига карши йуналишда бурилиб унинг бармоқлари сирпанма вутулкани валини ва шкивини чапга суради. Чап фрикцион кистирма салт ярим муфтанинг торецими билан илашади. Шунда иш ярим муфтаси билан вал шкивини айлантиради яъни тикув машинасининг бош вали айлана бошлайди. Педалдан босим камайса пуржина таъсирида иш ярим муфтаси унг томонга озрок сурилиб салт ярим муфтанинг тореси билан чап томонидаги фрикцион кистирма орасида сирпаниш юз беради. Етакловчи вал билан шкив шунга мувофик камрок частота билан айланади. Тикувчи оёк юритма босишни тухтаганда пуржина ричагини соат мили йуналишда беради ва этакланувчи вални иши ярим муфтаси билан бирга унг томонга сурилади. Фрикцион кистирма тормос колоткасига тегиб айланиш тормозланади. Унг томондаги фрикцион кистирманинг тормоз колоткасига кисилиш кучини кулокли гайка ва винтни буриш йули билан пуржинанинг бесимини узгартириб ростланади.

САВОЛЛАР

- 1) Тикув машиналарини улчами ва столининг жихозлари хакида
- 2) Иш бажарилаётган вақтда ишчининг кузи билан тикилаётган буюмнинг оралик масофаси
- 3) Индивидувал юритма нима учун хизмат килади ?
- 4) Электр двигател тузилиши ва уни махкамланиши?
- 5) Электр двигател билан фрикцион кистирманинг тузилиши ?
- 6) Электр двигателни ишга тушириш ?

Таянч иборалар

1. Фрикцион- Муфта (икки муфта бир-бири билан бирлашиб ҳаракат ҳосил қилади. бир электр двигател иккинчи муфта)
2. моховик гилдирак.
3. ричаг электр двигател билан фрикционни бирлаштирувчи механизм
4. индивидуал юритма- якка ҳаракатга келтирувчи механизм

4. Мавзу баёни

Тикув машинаси 1022 (ОЗЛМ)

Орша енгил машинасозлик заводида 1022 Кд машинаси пахтали ипак жун ва зигир толали газламаларни икки ипли битта баҳякатор юритиб тикишга мулжалланган. Бош валининг айланиш частотаси 4000 об/ мин-1 гача баҳясининг максимал йириклиги 5 мм

Тикиладиган газламаларнинг тепки тагида қисилган ҳолатдаги энг катта калинлиги 5мм дан ошмайди. Игна билан стойкагача булган масофа вилет дейилади ва 260 мм га тенгдир

Ишлатиладиган иплар: Пахта иплар № 30 №40 №50 №65 ипак ип ишлатилади. Тикув машинаси автоматик мажбурий мойладиган курилмага эга, ундан ташқари машинани бош қисмининг уртасига мокини найчасига ип урайдиган мослама урнатилади.

Игна механизми: Машинада кривошип-шатунли игна механизми ишлатилади. Бош вал иккита втулкада айланади, бунда втулка машина танаси ичида тирак винт билан маҳкамланади. Втулка эса тана тешигига пресслаб киритилади. Втулкаларнинг бош валга тегиб турадиган жойларини мойлаш учун втулкаларнинг уйигига қуйилган фетр кистирмалар ишлатилади. Бош вални унг учига тирак винт ва урнатиш винти ёрдамида моховик гилдирак маҳкамланади.

Ип тортгич механизми: Машинада шарнир- стерженли иш тортгич ричаги қийдирилади ричаг тешигига эса игнасимон подшипник киритилади. Ричагнинг урта тешигига шарнирли бармоқка қийирилган звенонинг бармоги киритилади Шарнирли бармоқ машина танасига урнатиш винти ёрдамида маҳкамланади. Ричагнинг кулокчаси машина уйигидан чиқарилиб унга устки ип тикилади.

Моки механизми: Ушбу тикув машинасида марказлашган айланма ҳаракатланувчи моки механизми ишлатилади.

5. Мавзу баёни. Тикувчилик машинаси 1022Кл (ОЗЛМ) баҳя ҳосил булиши механизмларини ишлаши.

Бош валга икки винт билан қонечески шестерия орқали иккинчи қонечиски шестерия вертикал жойлашган валга бирлашган булиб у ҳам икки винт билан маҳкамланган Вертикал вални пастки қисми ҳам яна икки қонечиски шестерия билан моки валига бирлаштирилган булиб, иккитадан икки

шестерня узатмаси айланма харакати бош валга нисбатан икки маротаба ортик бунинг сабабаи: игна,рейка, ип тортгич механизмлари ишчи холатда булади. Шунда моки бир маротаба ишчи холатда иккинчи мартаба салт айланади.

Моки автоматик мойланиб туради. Мой устки картердан полехлорвинил найча оркали втулкага тушиб туради. Бахя хосил булиш жараёни: Игна газламани тешади ва устки ипни найча тутгичнинг дарчасидан олиб, уйиб энг пастки холатга тушади. Мокининг ушбу вақтда игнанинг унг томонидан ватар буйлаб 13-15 мм ораликда булади. Игна пастки холатдан 1,8-2 мм кутарилади ва унинг киска арикчаси томонида ипдан халка хосил булади. Найча тутгич дарчасининг олд девори халканинг игнадаги узун арикчаси томонида хосил буладиган булагини кишиб Игнанинг киска арикчаси томонида халкахосил булишига ёрдам беради.дарчанинг кйинги девори игнани моки учи томонга букилишидан саклайди. Ён ярим халканинг учи хосил булаётганхалка ёнидан игнадан 2мм ораликда утиб, халка хосил булишига халакит бермаслиги керак. Шундан кейин халкага мокининг учи киради, бунда у игна кузидан 1,1 мм юкорида булиши лозим.

Мокининг учи игна халкасини кенгайтиради ва бу халка мокининг юкори томонидан устки пластина ёпиб турган йуналтирувчи пазига тушади. Моки учи игна ип хлакасига кираётган пайитда халканинг киска булган моки учининг ортида узун булаг иса олдида булади. Мокининг йуналтирувчи пазига халканинг тула кийдирилиши халка хосил булиш жараёнининг мухим боскичи хисобланади, чунки бу паз найча тутгичнинг белбогчасига якинлашаётган пайитда халка белбогчанинг йуналтирувчи тиши ёки кийдирилган булиши керак.

Халканинг узун булаг инайча тутгичнинг цилиндрик юзасига яхшироқ тушишини таъминлаш учун устки пластинанинг канотчаси, шу узун булакни вертикал холатдан горизонтал холатга утказади. Халканинг киска булаг и узун булагига нисбатан олдинроқ бурилиб, улар бир-бири билан чалишади. Шу пайтда игна моки курилмасидан чиқади. Моки тутгичнинг йуналтирувчи тишининг таг кисми халканинг узун булагини найча тутгичнинг тубида йуналтиради.

Мокининг учи устки ип халкасини вертикал холатга келтиради. Бу вақтда халканинг киска булаг инайча тутгичнинг туби буйлаб сурилади, халканинг узун булаг и эса найча тутгичнинг туби буйлаб сирпанади. Ип тортгичнинг кулоги аста-секин кутарилиб, ортикча ипни юкорига тортади, бунда остки ип устки ип халкасининг ичига кирган булади. Моки учининг бундан кейинги харакати мобайнида халка вертикал холатданузоклашади. Ип тортгичнинг кулоги тез кутарилиб халкани моки учидан туширади.

Халка найча тутгичнинг фланецига кейин ён яримхалканинг учига утади, кейин моки йуналтирувчи пазининг ёняримхалканинг тагидатурган моки йуналтирувчи паз иохиргига келади, ундан белбогчанинг бушаган

тишига якинлашашди. Ип тортгичнинг кулоги юкорига кутарилишида давом этиб халканинг кушимча таранглайди. Халка найча тутгични соат миля йуналишида беради ва найча тутгич пазининг унг девори билан бармок орасида хосил булган зазордан моки курилмасидан чиқади. Кейин ип тортгич бахяни таранглайди, рейка материалларини бир бахя узунлигига суради (рейка материалларини бир бахя узун-лигининг ярмисига сурган пайтда бахянинг тарангланиши тугалланади).

Бу вақт ичида моки иккинчи марта (слат) айланади.

Шундан кейин бахя хосил килиш жараёни такрорланади.

Газламаларни суриш механизми : Машинада газламаларни сурадиган рейкали механизм ишлатилади. У куйидаги туртта узелдан иборат : 1) рейкани вертикал сурадиган узел ; 2) рейкани горизонтал сурадиган узел ; 3) бахя узунлигини ва газламанинг сурилиш йуналишини узгартириш йуналтирувчи ; 4) тепки ;

1) Бош валга иккита тирак винт, а) ёрдамчида кушалок эксцентрик махкамланган унинг чап кисмига шатуннинг устки каллагини конуссимон шарнири винт ёрдамида коромислого бириктирилади ва гайка ёрдамида махкамлаб куйилади Коромисло кутариш вали билан бирга куйилган булиб бу вални урнатиш винтлари ёрдамида платформа бур тагига махкамлаб куйилган иккита марказий бармок тутиб туради. Кутариш валининг чап учига тортиш винти ёрдамида коромисло махкамланган, унинг бармогига ползун кийдирилган булиб, бу ползун газламани суриш механизми ричагининг вилкасига киритилган. Ричагга иккита кисувчи винт ёрдамида рейка махкамланади. Суриш валининг рамкасида иккита урнатиш винти ёрдамида махкамлаб куйилган иккита марказий бармок ричагга тутиб туради Ричаг билан бармокларнинг бир-бирига тегадиган жойлари мойланиб туриши учун бармокларга фетр кистирма кийдирилади. Эксцентрик таъсирида шатун вертикал текисликда харакатланади. Шатун кутарилганда коромислолар ва кутариш вали соат миля йуналишида бурилади, бунда рейка кутарилади.

2) Унг эксцентрикка шатуннинг устки каллагини кийдирилган булиб унинг тешигига игнали подшипник куйилган Шатун устки каллагининг ук буйлаб силжишлари эксцентрикнинг пазига киритилган пуржинали урнатиш халкаси ёрдамида бартараф этилади.

Шатуннинг остки каллагини укка кийдирилган булиб, унга тирак-винт ёрдамида махкамланади. Укка шатунларнинг вилкали каллалари кийдирилган. Шатуннинг орка каллалари игнали подшипник ва шарнирли цилиндрик винт ёрдамида рамкага махкамланган укка кийдирилган. Агар-бахя йириклигини узгартириш ёки бахя каторини пухталаш зарур булмаса, машинанинг иш жараёнида рамка кузгалмай тураверади. Гейка урнатиш винти ёрдамида платформанинг буртигига махкамлаб куйилган бармокка бемалол кийдирилади. Урнатиш винти ёрдамида машина платформасининг буртигига махкамлаб куйилган бармок рамканинг иккинчи таянч нуктаси

булади. Брамокка тирак винт ёрдамида маҳкамланган урнатиш халқаси ва пуржина кийдирилади. Пуржинанинг чап учи эса укнинг тешигига киритилади. Рамка пуржина таъсирида соат милига карши йуналишда бурилишга интилади. Коромисло тортиш винти ёрдамида машинанинг буртигига маҳкамлаб куйилган иккита марказий бармок тутиб туради.

Шатун эксцентрик таъсирида ҳаракатланади, агар шатун кутарилса унда шатун уқга нисбатан соат мили йуналишида бурилади. Шатун тикувчидан олдинги томон сурилади ва коромислони суриш валини ва ракамини соат милига карши йуналишда буради, бунда рейка материални тикувчидан нарига суради.

3) Звенонинг остки каллаги уқга кийдирилган булиб, устки каллаги шарнирли цилиндрик винт ёрдамида баҳя йириклиги регуляторининг ричагига бириктирилиб куйилади. Ричаг машина танаси стойкасининг буртигида тирак винт ёрдамида маҳкамланган бармокка кийдирилган Ричагнинг ук буйлаб силжишини тирак винт ёрдамида бармокка маҳкамланган урнатиш халқаси ёрдамида бартараф этилади.

Ричагнинг олдинги цилиндрик елкасига винтли втулка кийдирилган булиб унинг винтли қисмига даста кийдирилган ва ростлаш гайкаси буриб куйилган. Даста шифт ёрдамида ричагнинг олд учига маҳкамланади. Пуржина ҳам гайканинг ҳолатики фиксациялайдиган тирак ҳам дастанинг тешигига киритиб куйилади Винтли втулканинг буртчаси иккита қисувчи винт ёрдамида машина тепасининг стойкасига маҳкамлашган шкалага тегиб туради.

Баҳя йириклигини узгартириш чунончи уни узайтириш учун тикувчи гайкани бураб киритади, бунда винтли втулка тикувчи томонига сурилади, ричаг пуржина таъсирида соат милига карши йуналишида бурилади. Баҳянинг шкала булинмасига мувофик янги узайтирилган йириклиги гайкани бураб чиқариш ва ричагини муайян ҳолатда урнатиш уйли билан фиксацияланади. Ричаг соат милига карши йуналишда бурилганда звено кутарила бориб рамкани соат милига карши йуналишда буради, яъни ук кутарилади. Бир-бирига таккослаб шатуннинг остки каллаги ва шатуннингортки каллаги тебраниб турадиган ёйнинг ҳолати узгаришини курамиз шунга мувофик шатуннинг горизонтал силжиш катталиги ортади чунки шатунинг вертикал силжиши узгармас булганда $h > h_{булади}$, бу баҳянинг йириклашишига олиб келади. Баҳякаторни пухталаш учун тикувчи дастани босади, ричаг саот мили йуналишида бурилади, звено пастга туша бориб рамкани соат мили йуналишига буради. Яъни ук пастга тушади. Шатунни рейка тугрига юборгандаги каби юкорига ҳаракатлатирамиз Бунда шатун ук атрофида соат мили йуналишида буради шатун тикувчи томон сурилади, корсмисло вал рамка соат мили йуналишида бурилади рейка газламани тикувчи томонга суради. Тикувчи дастани куйиб юборганда пуржина ҳамма звеноларни дастлабки ҳолатга кайтаради. Рейка тишларининг игна пластинаси сатхидан кутарилиши винтни бушатиб

кромислони буриш йули билан ростланади. Рейка тишларини тикилаётган газламаларкалинлигига караб игна пластинаси сатхидан 0,8-1,2 мм баландрок килиб куйиш тавсия этилади. Калин газламаларни тикишда рейка юкорига кутарилади

Агар рейкани машина платформасининг кундалангига суриш керак булса рейка тишларининг игна пластина пазларидаги холатини винтни бушатиб вални буриб ростланади. Агар рейкани платформанинг буйламасига суриш керак булса унда марказий бармоқдорни махкамлайдиган урнатиш винтларини ва винтни бушатилади. Кейин суриш валини унинг уки буйича сурилади вал ана шу марказий бармоқлар сурилади.

Газламанинг уз вактида сурилишини винтларни бушатиб кейин машина бош валини бураб ростланади, бунда эксцентриклар бурилиб кетмаслиги учун винтлардан бирини отвёрка билан тутиб турилади. Бундай ростлашни бажарганда игнанинг учи газламаларга теккан пайитда рейка пастка тушишни бошлашига эришмок керак пуржинанинг кучини винтни бушיתיб кейин урнатиш халкасини буриб ростланади.

4) Тепкини кутариш ва тушириш учун кулди, оёкда харакатлантирадиган иккита курилма ишлатилади.

Шарнирли тепки машинанинг олд кисмидаги тешикка пресслаб киритилган втулка ичига куйиладиган стерженга кисувчи винт ёрдамида махкамланади Втулка юкоридан кронштейн бемалол кийдирилади. Кронштейнинг бармоги машина пазига киритилади ва укка кийдирилган кулда кутариш ричагига тегиб туради. Стержен тортиш винти ёрдамида муфта махкамланади, муфтанинг бармоги машинанинг пазига киритилади стержен билан тепкининг ук атрофида уз-уздан айланиб кетишига йул куйилмайди. Муфтанинг тешигига ип йуналтирувчи бурчаклик киритилади ва урнатиш винти ёрдамида махкамланади Тепки материалининг устидан босиб туриши учун резбали тешикга ростловчи винт буриб киритилади, унинг бармогига пуржина кийдирилади, пуржинанинг остки учи эса стерженнинг ук тешигига кириб туради.

Ричаг соат мили йуналишида бурилганда кронштейн муфтани босади стержен билан тепки кутарилади.

Ричаг соат милига карши йуналишида бурилса пуржина стержен билан ттепкини туширади.

Тепкини оёк билан кутариш учун куйидаги курилма ишлатилади. Кронштейннинг бармогига шарнирли цилиндрик винт ёрдамида звенонинг остки каллагига бириктирилади устки каллагига эса тепкини кулда кутариш ричагига пайвандланган бармокка кийдирилади.

Ричагни чап томондан шарнирли цилиндрик винт тутиб туради. Унг томондан унинг кулогига икита кисувчи винт билан машина таънасига махкамланган таянчнинг иккита стойкаси орасига киритилган ватирак винт ёрдамида таянчнинг унг стойкасига махкамланган укга кийдирилади. Ричагнинг тешигига торткининг устки учи киритилиб бунинг холати

ажралувчи шплинт ёрдамида фиксацияланади. Торткининг остки учи машина платформаиснинг тешигига киритилади. Пастдан унга пуржина кийдирилади ва урнатиш халкасига тирак винт ёрдамида махкамланади.

Иш столининг копкоги тагидаги тизза тралгичга босилганда тортки кутарилиб ричагни соат милига карши йуналишда буради, бунда звено тепкини кутаради. Тикувчи тизза тиралгичга босишни тухтатса унда пуржина тепкини туширади, пуржина эса звеноларни дастлабки холатга кайтаради.

Пуржинанинг босими винтни бушатиб кейин урнатиш халкасини вертикал силжитиш йули билан ростланади.

Устки ип таранглиги ростлагичи

Устки ип таранглигичи винтли пилкадан иккита таранглик шайбаси перемичкаси бор шайбалар таранглашпуржиналари гайка , регулятор корпуси ва тарангликни бушатирувчи стержендан иборат Найчага ип урайдиган урагич машина танаси ичига монтаж килинган булиб бош валга иккита тирак винт ёрдамида харакатга келтиради Урагичнинг корпусига вкладиш кушиб тирак винт ёрдамида махкамланади.

Машина механизмларини мойлаш. Туташув жойларининг баъзилари учун машинада пиллак ёрдамида марказлаштирилган мойлаш системаси ишлатилган Механизм деталларининг туташган жойларини мойлаш учун 12-индустриал машина мойи ишлатиш тавсия этилади.

Мойни саклаш учун идиш ва уни чикариб туриш учун кисувчи винтлар ёрдамида машина танасига махкамланган картер хизмат килади. Устки томондан картер иккита кисувчи винт ёрдамида машина таънасига махкамланган копкок билан ёпиб куйилади.

Картернинг ичига пуржина куйилган булиб, у пластинани юкорига итариб туради. Пластинага икита скоба ёрдамида пиликлар махкамланиб пиликларнинг иккинчи учи картернинг ён деворларига тирак винтлар ёрдамида махкамланган штуцерларга киритиб куйилади.

Пиликлар полихлорвинил найчаларга киритиб куйилади ва машина механизмларининг туташган жойларига ишкаланиб туради. Картернинг олд деворида буртик булиб унга тирак шайба назорат ойнаси ва иккита шайба кетма-кет киритиб куйилади. Ойнадан картердаги мой сах.ини белгиловчи иккита чизик бор. Копкокдаги тешикка устки копкокдан найча келган булиб, шу тешик оркали картерга мой куйилади. Стержень босилганда пиликлардан мой чика бошлайди ва деталларнинг туташган жойларини мойлашга хизмат килади.

Таянч иборалар :

- 1) Стойка-тикув машинасини унг томонида кутариб турувчи мослама , тикув машинанинг бош кисмини кутариб туради.
- 2) Ричаг тикув машинасини чокини узгартиришда ишлатилади ва чокни бошида ва охирида (закрепка) махкамлайди.

Саволлар :

- 1) 1022 Кл (ОЗЖ) машинасининг техник ва технологик тавсияномаси ?
- 2) Бахя хосил булиши
- 3) Газламаларни суриш механизми?
- 4) Тепкини кутариш ва тушириш механизми ?
- 5) Устки ип таранглиги ростлагичи ?
- 6) Машина механизмларини мойлаш механизми ?

Мавзу баёни :

Тикув машиналари учун ишлатиладиган кичик механизмлар.

Тикув машиналарнинг иш урнини жихозлаш ва уларни ишлатиш.

Кичик ёрдам механизмларни тикув машиналарига урнатиб ишлатиш махсулот ишлаб чиқаришни ошириб, уларни сифатини яхшилади.

Тикув машиналарида тикаётган деталларни ёки газлама четини игнагача бир хил ораликда йуналиб туришини мословчи механизм йуналтирувчи линейкалар .Улар энсиз ва энлик чокларни бир хил масофада тикиш учун ишлатилади. Бу линейкалар кулланилганда иш сифати яхшиланади, иш унумдорлиги 10 % ортади .Агар бажарилаётган операциянинг бир кисмига йуналтирувчи линейка керак булиб колган жойга керак булмаса шарнирли кузгалувчан йуналтирувчи линейка ишлатилади. Бу линейка машина платформасига урнатилган линейка асосига шарнир билан тикув машинасига махкамланади.

Хар хил кенгликдаги чокларни тикиш зарур булса иккита ёки уч шохли линейкалардан фойдаланилади.

Пареллел каторлар тикиш учун учига гилдирак урнатилагн йуналтирувчи линейка ишлатилади. Иккинчи бахия каторни тикиш учун гилдирак биринчи бахякатор устидан юриши керак.

Кейим деталларини безатишда суташ ишлатилади, сутажни тугри жойлаштириш тикиш жуда кийин. Сутажни бостириб тикиш учун уйма арикча махсус тепка ишлатилади. Тепкининг олдинги кисмида сутаж киритиб куйиладиган тешиги булади. Кийим деталларига безак укка тасма лента ухшаш деталларни бостириб тикиш учун ишлатиладиган тепки ёки йуналтирувчи линейка ишлтилади .

Агар тикиладиган деталнинг четини букиб маълум масофада бахякатор юритиб тикиш лозим булса бунда факат йуналтирувчи линейкалар етарли булмайди, чунки деталь четини букиш учун ҳам масофа керак булади Бунга буклагич тепкилар мисол булади.

Тепкини чет томонидаги шохчаси шпилка иккинчи томонидаги (унг) шохчасида камраб турган пластина бор, бу тепки газламани кисиб босади, ҳам икки маротаба букиб игна тагига йуналтириб боради.

Буклагич тепкилари газламани хар хил кенгликда букиш учун мосланган булади.

Детал киркими бир маротаба букиладиган булса мураккаб булмаган тепкилар ишлатилади. Бир иш урнида икки хил тепки лозим булса алмаштириладиган тепкилар ишлатилади.

Аёллар ички кийимларини тасмаларини ёки эркаклар шимини белбогини камартутгич тикишда газлама киркимлари икки томондан букилиши керак. Бундай оператциялар учун махсус буклагич ишлатилади.

Деталларни магизлаш учун икки томондан букиб орасига асосий детални куйиб игна тагига йуналтирадиган магизлагич ишлатилади.

-Петля тикиш учун мулжалланган мосламалар

-Тугма тикиш учун мулжалланган мосламалар : улар хар бир петля ёки тугмани тикиш анчагина вақт талаб киладиган иш булганлиги учун мосламалардан фойдаланиши тез осон ва сифатли бажарилади.

Кийим тикишга мулжалланган асбоб ускуналар (ЦНИИШП)тикувчилик саноат (марказий илмий таткикот инситути) хар кайси мослама тажриба механика завод тавсиясига кура чакириладива марка белги куйилади.

Бу белгида биринчи раками гурухни колган ракамлар шу гурухдаги тартиб ракамини билдиради.

Масалан: 1-21 булса 1-гурух номерини курсатса 21-гурухдаги мосламанинг тартиб ракамини курсатади.

Саволлар :

- 1) Биринчи гурух детал четини букламай бириктириб тикишга ёки безак бахякатор юритишга мулжалланган мосламалар булади ?
- 2) Учинчи гурухда икки ёки бир неча деталларни бир вақтни узида ҳам букиб ҳам бириктириб тикишга мулжалланган мосламалар ?
- 3) Туртинчи гурухга магизланадиган чокларни бажариш учун мулжалланган мосламалар?
- 4) Бешинчи гурухга петляларни йурламаш ва тугмаларни тикиш чатишга мулжалланган?
